

**ЎЗБЕКИСТОН ДАВЛАТ ЖИСМОНИЙ ТАРБИЯ ВА СПОРТ
УНИВЕРСИТЕТИ ХУЗУРИДАГИ ИЛМИЙ ДАРАЖАЛАР БЕРУВЧИ
DSc.03/30.12.2019.Ped.28.01. РАҚАМЛИ ИЛМИЙ КЕНГАШ**

**ЎЗБЕКИСТОН ДАВЛАТ ЖИСМОНИЙ ТАРБИЯ ВА СПОРТ
УНИВЕРСИТЕТИ**

ПУЛАТОВ ФАРХОД АЗАДОВИЧ

**СПОРТ ЎЙИНЛАРИ БИЛАН ШУҒУЛЛАНУВЧИ 7-10 ЁШЛИ
БОЛАЛАРДА ЎНАҚАЙ ВА ЧАПАҚАЙ ҲАРАКАТЛАРНИ
СИММЕТРИК ТАРТИБДА ШАКЛЛАНТИРИШ УСТУВОРЛИГИ**

**13.00.04 – Жисмоний тарбия ва спорт машғулоти назарияси ва
методикаси**

**ПЕДАГОГИКА ФАНЛАРИ БЎЙИЧА ФАЛСАФА ДОКТОРИ (PhD)
ДИССЕРТАЦИЯСИ АВТОРЕФЕРАТИ**

Чирчиқ – 2020

**Педагогика фанлари бўйича фалсафа доктори (PhD) диссертацияси
автореферати мундарижаси**

**Оглавление автореферата диссертации доктора философии (PhD) по
педагогическим наукам**

**Contents of dissertation abstract of doctor of philosophy (PhD) on
pedagogical sciences**

Пулатов Фарход Азадович

Спорт ўйинлари билан шуғулланувчи 7-10 ёшли болаларда ўнақай ва чапақай
харакатларни симметрик тартибда шакллантириш устуворлиги.....3

Пулатов Фарход Азадович

Приоритетность симметричного развития право-и левосторонных
двигательных действий детей 7-10 лет при занятиях спортивными играми.. 25

Pulatov Farxod Azadovich

Priority of symmetrical development of law and left-sided motor actions of
children 7-10 years old when playing sports games.....47

Эълон қилинган ишлар рўйхати

Список опубликованных работ

List of published works.....52

**ЎЗБЕКИСТОН ДАВЛАТ ЖИСМОНИЙ ТАРБИЯ ВА СПОРТ
УНИВЕРСИТЕТИ ХУЗУРИДАГИ ИЛМИЙ ДАРАЖАЛАР БЕРУВЧИ
DSc.03/30.12.2019.Ped.28.01. РАҚАМЛИ ИЛМИЙ КЕНГАШ**

**ЎЗБЕКИСТОН ДАВЛАТ ЖИСМОНИЙ ТАРБИЯ ВА СПОРТ
УНИВЕРСИТЕТИ**

ПУЛАТОВ ФАРХОД АЗАДОВИЧ

**СПОРТ ЎЙИНЛАРИ БИЛАН ШУҒУЛЛАНУВЧИ 7-10 ЁШЛИ
БОЛАЛАРДА ЎНАҚАЙ ВА ЧАПАҚАЙ ҲАРАКАТЛАРНИ
СИММЕТРИК ТАРТИБДА ШАКЛЛАНТИРИШ УСТУВОРЛИГИ**

**13.00.04 – Жисмоний тарбия ва спорт машғулоти назарияси ва
методикаси**

**ПЕДАГОГИКА ФАНЛАРИ БЎЙИЧА ФАЛСАФА ДОКТОРИ (PhD)
ДИССЕРТАЦИЯСИ АВТОРЕФЕРАТИ**

Чирчиқ – 2020

Фалсафа доктори (PhD) диссертацияси мавзуси Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамаси ҳузуридаги Олий аттестация комиссиясида В2018.3./PhD/Ped673 рақам билан рўйхатга олинган.

Докторлик диссертацияси Ўзбекистон давлат жисмоний тарбия ва спорт университетидан бажарилган.

Диссертация автореферати уч тилда (ўзбек, рус, инглиз (резюме)) Илмий кенгаш веб-саҳифанинг www.uzdjtsu.uz ва “ZiyoNet” Ахборот таълим порталида (www.ziyounet.uz) жойлаштирилган.

Илмий раҳбар:

Олимов Мухсинбек Сотиволдиевич
педагогика фанлари номзоди, доцент

Расмий оппонентлар:

Кошбахтиев Илдар Ахмедович
педагогика фанлари доктори, профессор

Хайдаров Бахтияр Тожиевич
педагогика фанлари номзоди, профессор

Етакчи ташкилот:

Фарғона давлат университети

Диссертация ҳимояси Ўзбекистон давлат жисмоний тарбия ва спорт университети ҳузуридаги DSc.03/30.12.2019.Ped.28.01. рақамли Илмий кенгашнинг 2020 йил “___” _____ соат _____ даги мажлисида бўлиб ўтди. (Манзил: 111709, Тошкент вилояти, Чирчиқ шаҳри, Спортчилар кўчаси, 19-уй. Тел.: (0-370)-717-17 79, 717-27-27, факс: (0-370) 717-17-76, Веб-сайт: www.uzdjtsu.uz, e-mail: uzdjtsu@uzdjtsu.uz. Ўзбекистон давлат жисмоний тарбия ва спорт университети маъмурий “В”-бини, 2-қават, кичик мажлислар зали).

Диссертация билан Ўзбекистон давлат жисмоний тарбия ва спорт университети Ахборот-ресурс марказида танишиш мумкин (_____ рақам билан рўйхатга олинган). (Манзил: 111709, Тошкент вилояти, Чирчиқ шаҳри, Спортчилар кўчаси, 19-уй. Тел.: (0-370)-717-17-79, 717-27-27, факс.:(0-370) 717-17-76.

Диссертация автореферати 2020 йил “___” _____ куни тарқатилди.
(2020 йил “___” _____ даги _____ рақамли реестр баённомаси)

М.Р.Болтабаев

Илмий даражалар берувчи илмий кенгаш раиси, и.ф.д., профессор

М.Х.Миржамолов

Илмий даражалар берувчи илмий кенгаш илмий котиби, педагогика фанлари бўйича фалсафа доктори (PhD)

Б.Б.Мусаев

Илмий даражалар берувчи илмий Кенгаш қошидаги илмий семинар раиси ўринбосари п.ф.н., доцент

КИРИШ (фалсафа доктори (PhD) диссертацияси аннотацияси)

Диссертация мавзусининг долзарблиги ва зарурияти. Дунё спорт амалиётида ўта кескин рақобат остида кечаётган халқаро мусобақаларда спорт натижалари йилдан-йилга ўсиб бормоқда. Бу ўз навбатида машғулотлар хажми ва шиддатини янада оширишни, яъни спортчиларда жисмоний имкониятлар заҳирасини кучайтириш, техник-тактик ҳаракатлар кўламини кенгайтириш, спортчиларда ўнақай ва чапақай ҳаракатларни симметрик тартибда шакллантириш талабини кўймоқда. Спорт турларида, айниқса спорт ўйинларида, техник-тактик ҳаракатларга ўргатиш ва уларни такомиллаштиришда ўнақай-чапақай ҳаракатларни симметрик тартибда шакллантириш зарурлиги алоҳида эътиборга лойиқдир. Шу кунгача мазкур масалалар мувофиқ йўналиш бўйича фаолият кўрсатиб келаётган мутахассис-олимлар томонидан кенг қамровли тадқиқотлар асосида ўрганилмаётгани ўта долзарб муаммоларни келтириб чиқармоқда.

Жаҳонда ўтказилиб келинаётган фундаментал тадқиқот натижаларидан маълумки, спорт ўйинларида техник ҳаракатларга ўргатиш ва уларни такомиллаштириш ўнақай спортчилар учун ўнг томонлама, чапақайлар учун эса чап томонлама амалга оширилишига урғу берилади. Лекин ҳаётда, касб ва спорт фаолиятида кам бўлсада, «амбидекстрлар» (юнонча-турли ҳаракатларни икки томонлама ҳам моҳирона ижро этаоладиганлар) ҳам учрайди. Аксарият спорт турларида, айниқса спорт ўйинларида, техник-тактик ҳаракатларга ўргатиш ва уларни такомиллаштириш жараёни бир ёқламалик ёндашув асосида олиб борилаётгани кузатилмоқда. Бошқача қилиб айтганда, генетик жихатдан ўнақайликка ихтисослашган спортчиларни ҳаракат усулларида ўргатишда ўнг қўл ёки ўнг оёқга устунлик бериш одат тусига кирган, чапақайликка ихтисослаштирилган спортчиларда эса аксинча. Спорт амалиётида ҳар доим ҳам бундай бир томонламалик ҳаракат амалларини бажариш самара бермаслиги эҳтимоли юқори ҳисобланади.

Сўнгги йилларда юртимизда жисмоний тарбия ва оммавий спорт давлат сиёсатининг устувор йўналишлари доирасида жадал ривожланиб бормоқда. «Бу борада болалар спортини янада шакллантириш, уларни соғлом ва ҳар томонлама бақувват қилиб тарбиялаш масалаларига давлат эътибори қаратилмоқда».¹ Лекин, болалар спортида хали ҳам ўргатиш жараёни бирёқламалик принципда амалга оширилади, бу эса ўнақай-чапақай ҳаракатлар асимметриясини юзага келтиради, техник-тактик усуллар кўламини чегаралайди ва фақат етакчи қўл ёки оёқга катта юклама тушишини олдини олади. Бугунги кунда ўнақай-чапақай ҳаракатлар асимметриясини симметризациялаш техник-тактик усуллар кўламини кенгайтиришга, соғлиқни мустаҳкамлашга имкон яратиши ва бундай тадқиқот неча ёшдан бошлаб ўтказилиши илмий тадқиқот предмети сифатида ўрганилмаган. Шу сабаб мазкур иш бўйича танланган мавзу ўта

¹ Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2017 йил 3 июндаги ПҚ-3031-сонли “Жисмоний тарбия ва оммавий спортни янада ривожлантириш чора-тадбирлари тўғрисида”ги Қарори. Халқ сўзи газетаси, 4 июнь.

долзарб илмий-амалий аҳамиятга лойиқ-деб таъкидлаш мумкин.

Мазкур диссертацион тадқиқотни ишлаб чиқишда ва олинган натижаларни амалиётга тадбиқ этишда Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2017 йил 9 мартдаги «Ўзбекистон спортчиларини 2020 йилда Токио шаҳрида (Япония) ўтказиладиган XXXII ёзги Олимпия ўйинлари ва Паралимпия ўйинларига тайёрлаш тўғрисида»ги ПФ-2821-сон Фармони, 2017 йил 3 июндаги «Жисмоний тарбия ва оммавий спортни янада ривожлантириш чора-тадбирлари тўғрисида»ги ПҚ-3031-сонли Қарори, «Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2020 йил 24-январдаги «Жисмоний тарбия ва спортни янада такомиллаштириш ва оммалаштириш чора-тадбирлари тўғрисида»ги ПФ-5924-сонли Фармони, Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамасининг 2019 йил 13 февралдаги «2019-2023 йиллар даврида Ўзбекистон Республикасида жисмоний тарбия ва оммавий спортни ривожлантириш концепциясини тасдиқлаш тўғрисида»ги 118-сонли Қарори ҳамда бошқа меъёрий-ҳуқуқий ҳужжатларда белгиланган стратегик вазибалардан методологик платформа сифатида фойдаланилди.

Тадқиқотнинг республикада фан ва технологияларни ривожлантиришнинг устивор йўналишларига мослиги. Мазкур тадқиқот республикада фан ва технологияларни ривожлантиришнинг I. «Демократик ва ҳуқуқий жамиятни маънавий-ахлоқий ва маданий ривожлантириш, инновацион иқтисодиётни шакллантириш» устувор йўналиши бўйича амалга оширилган.

Муаммонинг ўрганилганлик даражаси. Ушбу муаммо бир қатор хорижий мутахассис-олимлар - К.Д.Чермит, В.И.Лях, Е.Садовски, S.Dane, S.Can, O.Karsan, М.М.Безруких, В.П.Леутин, А.П.Чуприков, Е.А.Волков, А.И.Погребной, Я.Е.Козлов, С.Н.Грамати́кополо, В.А.Москвин., Н.В.Москвина, И.В.Ефимова, А.С.Солодков, В.С.Сычев ва бошқалар², томонидан турли йўналишда тадқиқотлар остига олинган бўлсада, лекин улар айрим спорт турлари билан шуғулланувчи спортчилар мисолида «чапақайлик» феномени, «ўнақай ва чапақай» ҳаракатлар асимметрияси, унинг ижобий ва салбий жиҳатлари ҳамда фило-ва онтогенетик асосларини ўрганишга урғу беришган. Жумладан, К.Д.Чермит, Е.М.Бердичевскийлар «ўнақай-чапақай» ҳаракатлар ўртасида юз берувчи асимметрик фарқнинг нейрофизиологик механизмларини мувофиқ тадқиқотлар ёрдамида ўрганиб, уни педагогик ёндашувлар асосида симметризациялаш устуворлигини

² Чермит К.Д. Диалектика симметрии и асимметрии в теории спортивной тренировки / К.Д.Чермит // Теория и практика физ. культуры. - 1994. - №8. - С.29-32.; Лях В.И., Садовский Е. О концепциях, задач, смете и основных положениях координационной подготовки в спорте. - М.: ТиПФК, 1999. - №5. - С. 40-46.; Dane S., Can S., Karsan O. Sport injuries in right-and left-handers // Percept Mot. Skills.-1999.-Vol. 89- N 3.-P. 846-848.; Безруких М.М. Возрастные особенности организации и регуляции произвольных движений у детей и подростков / М.М.Безруких, Л.Е.Любоми́рский. - М.: Образование от А до Я, 2000.-319 с.; Леутин В.П. Функциональная асимметрия мозга: мифы и действительность / В.П.Леутин, Е.Н.Николаева.-СПб.: Речь, 2005.-368 с.; Чуприков А.П., Волков Е.А. Мир леворуких.- Киев: 2005.-88 с.; Погребной А.И., Скрынникова Н.Г., Аришин А.В. Формирование рациональной техники плавания с учётом индивидуального профиля асимметрии. - М.: Физическая культура: воспитание, образование, тренировка, 2007. - №5. - С. 70-73.; Козлов Я.Е. Объективные проблемы двигательной асимметрии у футболистов различного возраста и уровня подготовленности. // Теория и практика физической культуры. М.: 2008. - №7. - С. 23-26.; Грамати́кополо С.Н. Распределение латеральных фенотипов юных спортсменов пловцов г. Сургут.-2010.-№ 1-С. 67-69.; Москвин В.А., Москвина Н.В. Дифференциальная нейропедагогика и спортивная деятельность // Материалы Всероссийской научно-практической конференции с международным участием, посвящённой 80-летию кафедры педагогики РГУФКСИТ Методологические проблемы общей и спортивной педагогики.-М.: Светотон, 2010 Ж.ТиПФК. Научно-теор.-М., № 5. 2018 с 66.; И.В.Ефимова, В.Н.Симонов, Е.В.Будыка // Асимметрия М., 2012, Т.6., № 4.-с.18-24.; Солодков А.С. Физиология человека / А.С.Солодков, Е.Б.Сологуб.-М.: Спорт, 2015.-620 с.; Сычев В.С., Давыдова С.С., Кашкаров В.А. Функциональная асимметрия в спорте. Ж. ТиПФК., М., 2017., №4. с 69-71.

эхтимол қилишган.

В.И.Лях, Е.Садовски, Я.Е.Козловлар ёш футболчиларда тадқиқотлар ўтказиб, ўйин ҳаракатларини фақат ўнг оёқ ёки чап оёқ устунлигида амалга ошириш техник маҳорат кўламини чегаралаб қўяди-деб таъкидлашган.³ Уларнинг эътирофига қараганда, футбол машғулоти ва мусобақаларида тўпга зарба бериш усуллари «заиф» оёқда фақат 10-15% гина ижро этилар экан. S.Dane, S.Can, O.Karsanларнинг маълумотлари бўйича чапақайлар машғулоти ва мусобақаларда 83% гача, ўнақайлар эса 69% гача шикастланишларга дучор бўлиши мумкин экан.⁴

В.А.Москвин, Н.В.Москвиначилар яқка кураш спорт турлари билан шуғулланувчи чапақай спортчилар ўнақайлар учун ноқулай рақиб ҳисобланишини очиб беришган бўлсада, ўнақай-чапақай ҳаракатларни бир хил маҳорат билан ижро этиш самарали натижаларга олиб келади-деган фикрни илгари суришган.

Шу билан бир қаторда мазкур муаммо бўйича ўрганилган бошқа манбалар таҳлилидан ҳам кузатиладики, ўнақай-чапақай ҳаракатлар асимметриясини симметризациялашга бағишланган кенг қамровли тадқиқотлар спорт ўйинлари билан шуғулланувчи 7-10 ёшли болалар мисолида ўтказилмаган экан. Демак, биз томонимиздан шу ёшли болалар билан ўтказилган экспериментал тадқиқотлар натижасида спорт ўйинлари бўйича юқори малакали спортчилар тайёрлаш имконияти янада ошиб-боради деб таъкидлаш мумкин.

Тадқиқотнинг диссертация бажарилган олий таълим муассасасининг илмий-тадқиқот ишлари режалари билан боғлиқлиги.

Диссертация Ўзбекистон давлат жисмоний тарбия ва спорт университетининг 2016-2019 йилларга мўлжалланган илмий-тадқиқот ишлари концепцияси ва истиқбол режасига мувофиқ «Ёш ва катта ёшли малакали волейболчилар ва баскетболчилар жисмоний тайёргарлигини ихтисослаштирилган машқлар ёрдамида такомиллаштириш» ва «Ёш ва катта ёшли малакали волейболчилар ва баскетболчилар техник-тактик тайёргарлигини моделлаштирилган машқлар асосида шакллантириш» мавзулари доирасида бажарилган.

Тадқиқотнинг мақсади спорт ўйинлари билан шуғулланувчи 7-10 ёшли ўқувчиларда ҳаракатлар асимметриясини ўрганиш ва уни ишлаб чиқилган махсус машқлар ҳамда ҳаракатли ўйинлар ёрдамида симметризациялаш самарадорлигини педагогик тажрибада асослашдан иборат.

Тадқиқотнинг вазифалари:

³ Лях В.И., Садовский Е. О концепциях, задач, смете и основных положениях координационной подготовки в спорте. - М.: ТиПФК, 1999. - №5. - С. 40-46.; Dane S., Can S., Karsan O. Sport injuries in right-and left-handers // Percept Mot. Skills.-1999.-Vol. 89-N 3.-P. 846-848.; Козлов Я.Е. Объективные проблемы двигательной асимметрии у футболистов различного возраста и уровня подготовленности. // Теория и практика физической культуры. М.: 2008. - №7. - С. 23-26.; Бердичевская Е.М., Гронская А.С. Функциональные асимметрии и спорт // Рук-во по функциональной межполушарной асимметрии. -М.: Научный мир. 2009.-с. 647-651.; Чермит К.Д., Шаханова А.В., Заболотный А.Г. Спортивный латеростресс (научная гипотеза): Ж.: Г и МФК., 2014. №11, – с. 24-26.

⁴ Москвин В.А., Москвина Н.В. Дифференциальная нейропедагогика и спортивная деятельность // Материалы Всероссийской научно-практической конференции с международным участием, посвящённой 80-летию кафедры педагогики РГУФКСиТ Методологические проблемы общей и спортивной педагогики.-М.: Светотон, 2010 Ж.ТиПФК. Научно-теор.-М., № 5. 2018 с 66.

спорт ўйинлари билан шуғулланувчи 7-10 ёшли ўқувчилар машғулотларда ўнақай-чапақай ҳаракатлар (тўп уриб югуриш тезлиги, вақт ва кучни фарқлаш аниқлиги, оёқ-қўл кучи, ўнг ва чап томонга айланиб мувозанат сақлаш) ўртасида юзага келадиган асимметрик фарқни ва уни педагогик ёндашув асосида симметризациялаш устуворлигини аниқлаш;

ўнақай ва чапақай ҳаракатлар асимметриясини ёки уларни симметризациялашганини педагогик жиҳатдан ўрганиш ва баҳолашга мўлжалланган янги ҳамда модификациялаштирилган методик назорат машқлар мажмуини ишлаб чиқиш;

ўнақай ва чапақай ҳаракатларни симметрик тартибда шакллантиришга қаратилган ихтисослаштирилган машқлар ҳамда ҳаракатли ўйинлар мажмуалари ва уларни қўллаш методикасини ишлаб чиқиш;

7-10 ёшли ўқувчилар мисолида ўнақай-чапақай ҳаракатлар ўртасида юз берувчи асимметрик фарқни ишлаб чиқилган машқлар ва методик ёндашув ёрдамида симметризациялаш самарадорлигини педагогик тажриба асосида аниқлаш;

олинган натижалар асосида «ўнақай-чапақай» ҳаракатлар асимметриясини симметризациялаш бўйича амалий тавсиялар ишлаб чиқиш ва уларни спорт амалиётига тадбиқ этиш.

Тадқиқотнинг объекти умумтаълим мактабида таълим олувчи 1-4-синф ўқувчилари ва уларда ўтказиладиган жисмоний тарбия дарслари жараёни.

Тадқиқотнинг предмети спорт ўйинлари (баскетбол, волейбол, футбол) билан шуғулланувчи 7-10 ёшли ўқувчилар машғулотларида ўнақай-чапақай ҳаракатлар асимметриясини симметризациялаш имкониятини ўрганишга қаратилган.

Тадқиқотнинг усуллари. Илмий-услубий адабиётларни назарий таҳлил қилиш ва умумлаштириш, педагогик кузатув, динамометрия, треморометрия, вестибулохронометрия, компьютер тестлари, педагогик тажриба ва математик статистика услублари.

Тадқиқотнинг илмий янгилиги қуйидагилардан иборат:

спорт ўйинлари билан шуғулланувчи 7-10 ёшли болалар ва талабаларнинг анъанавий машғулотларида ижро этиладиган ўнақай-чапақай ҳаракатлар ўртасида асимметрик фарқларни камайтириш (ўнг ва чап қўлда тўпни уриб ҳаракатланиш тезлиги, ўнг ва чап қўл – оёқ кучи ва аниқлиги, ўнг ва чап томонга айланиш таъсирида мувозанат сақлаш) асосида такомиллаштирилган;

ўнақай-чапақай ҳаракатлар асимметриясини педагогик таҳлили асосида ўрганиш ҳамда баҳолашга мўлжалланган модификациялаштирилган методик машқлар мажмуи ишлаб чиқилган;

7-10 ёшли болаларда кузатиладиган ўнақай-чапақай ҳаракатлар асимметриясини икки томонга тенг тақсимланган махсус машқлар ва ҳаракатли ўйинлар ёрдамида симметризациялашнинг педагогик механизми такомиллаштирилган;

ўнақай-чапақай ҳаракат функцияларини симметрик тартибда

шакллантиришга ихтисослаштирилган машқлар ва ҳаракатли ўйинлар мажмуалари яратилган ҳамда уларни машғулотлар жараёнида қўллаш дастурлари ишлаб чиқилган.

Тадқиқотнинг амалий натижалари қуйидагилардан иборат:

спорт ўйинлари билан шуғулланувчи 7-10 ёшли мактаб ўқувчилари ва малакали спортчилар мисолида ўтказилган тадқиқот натижаларидан амалий машғулотлар давомида қайд этиладиган ўнақай-чапақай ҳаракатлар асимметриясини ўрганишда, уни ишлаб чиқилган ихтисослаштирилган машқлар ва ҳаракатли ўйинлар ёрдамида симметризациялашда фойдаланиш мумкин;

ўнақай-чапақай ҳаракатлар асимметрияси, уни тавсия этилган ихтисослаштирилган машқлар ёрдамида симметризациялашганини ўрганиш ва баҳолаш бўйича ишлаб чиқилган янги ҳамда модификациялаштирилган методик тестлар мажмуини спорт амалиётига жорий этиш, уларни мунтазам қўллаб бориш техник-тактик усуллар кўламини кенгайтиради ва етакчи қўлоёқга катта юклама тушишини олдини олади;

9 ойлик педагогик тажриба натижалари билан асосланган ва юксак самарадорлиги аниқланган ўнақай-чапақай ҳаракатларни симметризациялаш бўйича ишлаб чиқилган ихтисослаштирилган машқлар ва ҳаракатли ўйинлар мажмуаларини спорт амалиётига тадбиқ этиш кенг қамровли спорт маҳоратига эга малакали спортчиларни тайёрлашга имкон яратади.

Тадқиқот натижаларининг ишончилиги. Тадқиқот натижаларининг ишончилиги, объективлиги, уларни илмий-назарий қийматга эга эканлиги тадқиқотни илғор педагогик ёндашув доирасида ташкил этилганлиги, танланган услубларни тадқиқотнинг мақсади ва вазифаларига мослиги, уларни спорт амалиётида ўрнатилган методологик қоидалар, стандартизация талаблари ҳамда статистик қонуниятлар асосида қўлланилганлиги билан тасдиқланади. Фойдаланилган тадқиқот услубларининг бир-бирига мутаносиб бўлганлиги ва тадқиқотни ўтказишда ягона стандарт тамойилларига риоя қилинганлиги олинган натижаларнинг информативлигини таъминлашга имкон яратган. Тадқиқот давомида ўрганилган хронометрик, вестибулосоматик ва функционал кўрсаткичлар олинган натижаларнинг илмий-педагогик аҳамиятини кучайтиришга асос бўлган. Тадқиқот жараёнида қайд этилган натижалар математик статистик услублари бўйича қўлланилган ўртача статистик кўрсаткич, унинг ўртача квадратик оғишмаси, Стьюдент мезони ва ишончилик коэффицентлари асосида ишлаб чиқилган ҳамда қиёсий таҳлил қилинган.

Тадқиқот натижаларининг илмий-амалий аҳамияти. Ўтказилган педагогик тадқиқот натижаларининг аҳамияти шундаки баскетбол, волейбол ва футбол билан шуғулланувчи 7-10 ёшли болалар ва талабалар билан ўтказилган тадқиқотлар давомида бир қатор илмий аҳамиятга эга натижалар аниқланди. Жумладан, ўнг мия яримшарлари томонидан бошқариладиган чапақай ҳаракат функциялари ва чап мия яримшарлари томонидан бошқариладиган ўнақай ҳаракат функциялари (ўнг ва чап қўл кучи, ўнг қўл

ва оёқ, чап қўл ва оёқда ижро этиладиган ҳаракат аниқлиги, ўнг ва чап томонларга айланиш вақтида мувозанат сақлаш ва ҳ.) ўртасида бир-бирдан кескин фарқ қилувчи функционал асимметрия борлиги аниқланган. Бундай ҳолат, биринчидан, ҳаракат заҳираси чегараланганидан ва техник-тактик усуллар кўламининг торлигидан дарак берса, иккинчидан, фақат бир томон (ўнг қўл-оёқ ёки чап қўл-оёқ) ижрочи органларига сурункали юклама тушиши ва чарчаш ҳолатига олиб келиши кузатилди. Педагогик тажриба натижаларидан маълум бўлдики, ўнақай ва чапақай ҳаракат функциялари ўртасида юз берувчи асимметрик фарқни ихтисослаштирилган махсус машқлар ва ҳаракатли ўйинлар ёрдамида эрта ёшлиқдан бошлаб қўллаб боришлик мусобақа фаолиятларида рақиб жамоани ёки рақибини ноқулай вазиятларга тушуришига олиб келади. Бу эса спортчилар тайёрлаш тизимида ижобий натижаларни қайд этиш имконини оширади. Ўнақай ва чапақай ҳаракатларни симметрик тартибда шакллантиришга ихтисослаштирилган машқлар ҳамда ҳаракатли ўйинлар мажмуаларини қўллаш методикасидан спорт ўйинларига ихтисослашган спорт мактаблари тарбияланувчилари ва мураббийлари томонидан фойдаланиши мумкин.

Тадқиқот натижаларининг жорий қилиниши. «Спорт ўйинлари билан шуғулланувчи 7-10 ёшли болаларда ўнақай ва чапақай ҳаракатларни симметрик тартибда шакллантириш устуворлиги» мавзуси бўйича ўтказилган диссертацион тадқиқотлар натижалари, уларнинг таҳлили, болалар ва спортчи-талабалар машғулотларида кузатиладиган ўнақай-чапақай ҳаракатлар асимметриясини ўрганиш ва уни симметризациялаш имконияти мавжудлигига асосланган ҳолда:

спорт ўйинлари билан шуғулланувчи болаларда ўнақай-чапақай ҳаракат функцияларини симметрик тартибда шакллантириш бўйича ишлаб чиқилган машқлар мажмуалари бўйича эътироф этилган таклифлар «Миллий ва ҳаракатли ўйинлар» номли дарслик мазмунига сингдирилган (Ўзбекистон Республикаси Олий ва ўрта махсус таълим вазирлигининг 2018 йил 27 мартдаги 274-сонли буйруғига асосан 274-275 рақамли гувоҳномаси). Натижада 7-10 ёшли ўқувчиларда ишлаб чиқилган махсус машқлар ва ихтисослаштирилган ҳаракатли ўйинлар ёрдамида 15-20% гача асимметрик фарқни камайиши ва 75-80% гача симметризациялаш имкониятига эришилган;

ўнақай-чапақай ҳаракатлар асимметриясини баҳолаш учун яратилган янги ва модификациялаштирилган методик тестлар бўйича тавсиялар асосида «Миллий ва ҳаракатли ўйинлар» номли дарслик нашр қилинди (Ўзбекистон Республикаси Олий ва ўрта махсус таълим вазирлигининг 2018 йил 27 мартдаги 274-сонли буйруғига асосан 274-275 рақамли гувоҳномаси) ва Тошкент вилояти, Қибрай туманидаги 2-умумтаълим мактабининг баскетбол, волейбол ва футбол билан шуғулланувчиларни ўқув дастурига турли тузатишлар киритиш асосида жорий қилинди (Ўзбекистон Республикаси жисмоний тарбия ва спорт вазирлигининг 2019 йил 21 майдаги 03-08-08-152-сонли маълумотнома). Натижада жисмоний тарбия дарсларига баскетбол,

волейбол ва футболга хос ўнақай-чапақай ҳаракат функциялари ўртасидаги асимметрик фарқ 60-70% гача симметризациялашди;

ўнақай-чапақай ҳаракатларни симметрик тартибда шакллантириш учун ишлаб чиқилган мажмуалар ва уларни қўллаш бўйича таклиф ҳамда тавсиялар «Баскетбол назарияси ва услубияти» номли дарслик мазмунига сингдирилган (Ўзбекистон Республикаси Олий ва ўрта махсус таълим вазирлигининг 2017 йил 28 июндаги 434-сонли буйруғига асосан 434-273 рақамли гувоҳномаси). Натижада 7-10 ёшли болаларда ўнақай-чапақай ҳаракат функциялари ўртасидаги функционал асимметрия 75,80% га симметризациялашди;

спорт ўйинлари билан шуғулланувчи 7-10 ёшли мактаб ўқувчилари ва спортчи талабаларда ўнақай-чапақай ҳаракатлар асимметриясини ўрганиш ва уларни симметризациялаш бўйича «Спорт ўйинлари билан шуғулланувчиларда ўнақай-чапақай ҳаракат функцияларини симметрик шакллантириш устуворлиги» номли амалий тавсиялар ва «Спорт ва ҳаракатли ўйинлар (баскетбол)» ўқув қўлланмасига сингдирилган (Ўзбекистон Республикаси Олий ва ўрта махсус таълим вазирлигининг 2017 йил 28 июндаги 434-сонли буйруғига асосан 434-306 рақамли гувоҳномаси). Натижада спорт ўйинлари билан шуғулланувчи 7-10 болалар ва юқори малакали спортчилар устида олиб борилган тадқиқот натижалари асосида ҳаракат малакаларини (қўл ва оёқ кучи, қўл тремори, белгиланган кучланиш ва вақт-оралиқни фарқлаш аниқлиги ва ҳ.) ўнг қўл-оёқ ва чап қўл-оёқ билан бажарилганда 65-75% гача асимметрик фарқ мавжудлиги аниқланди.

Тадқиқот натижаларининг апробацияси. Мазкур тадқиқот натижалари 2 та халқаро 8 та Республика илмий-амалий анжуманларда муҳокамадан ўтган.

Тадқиқот натижаларининг эълон қилинганлиги. Тадқиқот мавзуси бўйича жами 30 та илмий услубий иш, шу жумладан Ўзбекистон Республикаси Олий аттестация комиссиясининг докторлик диссертациялари асосий илмий натижаларини чоп этишга тавсия этилган илмий нашрларида 11 та илмий мақола, (8 республика, 4 та Хорижий илмий журналларда) 4 та дарслик, 3 та ўқув қўлланма, 4 та ўқув-услубий қўлланмалар чоп этилган.

Диссертациянинг тузилиши ва ҳажми. Диссертация «Кириш», 4 та боб, «Хулосалар», «Амалий тавсиялар» «Фойдаланилган адабиётлар рўйхати» ва «Иловалар»ни ўз таркибига киритган бўлиб, унинг матни 136 саҳифадан иборат. Диссертация 18та жадвал, 27та расм, 5та илова, ихтисослаштирилган инновацион машқлар ва ҳаракатли ўйинлар мажмуаларидан ташкил топган.

ДИССЕРТАЦИЯНИНГ АСОСИЙ МАЗМУНИ

Кириш қисмида танланган мавзунинг долзарблиги ва унинг амалиётга зарурлиги амалий асослаб берилган тадқиқотнинг республикада фан ва технологияларни ривожлантиришнинг устувор йўналишлари билан

боғлиқлиги, диссертацияда кўтарилган муаммонинг ўрганилганлик даражаси, мавзунинг диссертация бажарилган таълим муассасаси илмий-тадқиқот ишлари режалари билан боғлиқлиги, мақсади, вазифалари, объекти, предмети ва тадқиқот услублари, тадқиқотнинг илмий янгилиги, натижаларнинг ишончлилиги, тадқиқот натижаларининг илмий-амалий аҳамияти, уларнинг амалиётга жорий этилиши, апробацияси ва эълон қилинганлиги, диссертациянинг тузилиши ва ҳажми ҳақида асосли маълумотлар баён этилган.

Диссертациянинг «**Чапақайлик**» феномени ва «**ўнақай-чапақай ҳаракатлар асимметрияси**» деб номланган биринчи бобида «чапақайлик» феномени ва уни илмий-амалий муаммо сифатида ўрганилиши, «ўнақай-чапақай» ҳаракатлар кўламини кенгайтириш ва соғлиқни кучайтиришда жисмоний сифатларни пропорционал шакллантириш устуворлиги, «ўнақай-чапақай» ҳаракатлар асимметрияси ва уни симметризациялаш имкониятлари очиб берилган.

Маълумки, инсон туғилишидан бошлаб ўз ота-оналари, аجدодлари наслидан ўтадиган ҳамда ҳаёт давомида шаклланадиган қобилият, хатти-ҳаракатлар ва хусусиятлар билан фарқланиши мутахассис-олимлар тадқиқотларига таянган ҳолда илмий асослаб берилган. Амалиётда бундай фарқланишлар нафақат биопсихологик, аклий ва жисмоний имкониятлар доирасида кўзга ташланиши, балки «ўнақай» ва «чапақай» ҳаракатлар ўртасида юз берувчи функционал асимметрия бўйича ҳам кузатилиши эътироф этилган. Спорт амалиётида, айниқса спорт ўйинларида «чапақайликка» ихтисослашган спортчилар «ўнақай» спортчиларга нисбатан эъзозланиши исботланган бўлсада, лекин мувофиқ манбаларда, «ўнақай-чапақай» ҳаракатлар асимметриясини симметризациялаш (симметрик тартибда шакллантириш) техник-тактик усуллар таркибини кенгайтириши, ҳаракат заҳирасини бойитиши ва соғлиқни кучайтириши ҳақидаги маълумотлар берилган ҳамда айрим илмий ғоялар илгари сурилган М.М.Безруких (2000), К.Д.Чермит (2006), В.А.Москвин Н.В.Москвина (2008), Я.Е.Козлов (2008), Е.М.Бердичевская (2009), Ш.Х.Исроилов Ф.А.Пулатов (2014), К.Д.Чермит А.В.Шаханова А.Г.Заболотний (2014), Ф.А.Пулатовлар (2017), тадқиқот ишларида назарий асосланган.

Таҳлил қилинган илмий-услубий манбалар, жисмоний тарбия ва спорт бўйича чоп этилган дарсликлар, ўқув қўлланмалари, шу жумладан ушбу соҳага ихтисослашган таълим муассасалари ва спорт мактабларига мўлжалланган ўқув дастурларида ҳам ўнақай-чапақай ҳаракат функцияларини симметрик тартибда шакллантириш устуворлиги ва зарурлиги ҳақида бирор-бир фикр ёки маълумотлар берилмаганлиги асослаб берилган. Бинобарин, диссертация бўйича танланган мавзу ўта долзарб илмий ва амалий аҳамиятга лойиқ эканлиги очиб берилган.

Диссертациянинг «**Тадқиқотнинг услублари ва уни ташкил қилиш**» деб номланган иккинчи бобида спорт ўйинлари билан шуғулланувчи 7-10 ёшли ва катта ёшли спортчиларда ўтказилган тадқиқотлар услублари ва методик тестлар, жумладан динамометрия, треморометрия,

вестибулохронометрия, компьютер тестлари, ўнг ва чап қўл, ўнг ва чап оёқ ҳаракатлари асимметриясини баҳолаш тестлари, педагогик тажриба ва математик статистика услублари, уларнинг мазмуни моҳияти ва қўллаш тартиби очиб берилган. Ушбу бобда жорий тадқиқотларга баскетбол, волейбол, футбол билан шуғулланувчи спортчи талабалар ва 7-10 ёшли мактаб ўқувчилари, педагогик тажрибага 7 ёшли болалар жалб қилинганлиги тадқиқот объекти сифатида асослаб берилган. Ишлаб чиқилган ва қўлланилган тестларнинг ишончилиги, натижаларнинг объективлиги, жорий тадқиқотлар ва педагогик тажрибанинг объекти, муддатлари, дастури ва уни ташкил қилиш тартиби ёритилган.

Диссертациянинг «**Спорт ўйинлари билан шуғулланувчи талабалар ва 7-10 ёшли мактаб ўқувчиларида ўнақай-чапақай ҳаракатлар асимметрияси**» деб номланган учинчи бобида спорт ўйинлари билан шуғулланиб келаётган (баскетбол, волейбол, футбол) спортчи талабалар ва 7-10 ёшли мактаб ўқувчилари устида ўтказилган жорий тадқиқотлар натижалари қиёсий таҳлил қилинган. Жумладан, олинган натижалар шуни кўрсатдики, баскетбол, волейбол, футбол билан шуғулланиб келаётган талабаларда ўнг қўл ва оёқ, чап қўл ва оёқ кучи (абсолют куч, портловчи куч, кучланиш чегарасини фарқлаш аниқлиги), белгиланган вақт-оралиқни фарқлаш аниқлиги, компьютерда ишлаш тезлиги, ўнг ва чап қўл тремори, бош ҳамда танани ўнг ва чап томонларга айлантириш давомида статик ва динамик мувозанатни сақлаш ҳаракатлари ўртасида яққол кўзга ташланувчи функционал асимметрия мавжудлиги кузатилди. Масалан, баскетболчи талабаларда ўнг қўл билан динамометрда белгиланган кучланиш чегарасини (10 кг) кўрсаткичлари шуни кўрсатдики, минус кучланиш аниқлиги сони 48 имкониятдан 24 мартани, плюс-15 мартани ташкил этди (1-жадвалга қаранг).

1-жадвал

Спорт ўйинлари билан шуғулланувчи талабаларда ўнг ва чап қўл биллак-кафт мушакларининг (10 кг) кучланиш даражасини фарқлаш аниқлиги ($\bar{X} \pm \sigma$)

Функционал тестлар	Баскетбол n=48		Волейбол n=51		Футбол n=44	
	сон	кучланиш аниқлиги	сон	кучланиш аниқлиги	сон	кучланиш аниқлиги
Ўнг қўл биллак-кафт мушакларининг 10кг га мос кучланиш даражасини фарқлаш аниқлиги (кг)	24	2,13±0,07	23	2,41±0,08	25	3,74±0,12
	15	3,22±0,09	17	2,09±0,07	14	2,86±0,09
	9	-	11	-	5	-
Чап қўл биллак-кафт мушакларининг 10кг га мос кучланиш фарқлаш аниқлиги (кг)	16	3,11±0,07	18	3,55±0,10	21	3,96±0,13
	29	4,21±0,15	31	4,39±0,16	23	4,87±0,17

аниқ – 10 кг	3	-	2	-	-	-
Ўнг ва чап қўл асимметрияси						
Кучланиш аниқлиги 10 кг	6 марта		9 марта		5 марта	

Ўртача кўрсаткичлар мувофиқ равишда $2,13 \pm 0,07$ кг ва $3,22 \pm 0,09$ кг билан ифодаланди. Аниқ кучланишлар сони 9 мартага тенг бўлди.

Ушбу тест чап қўл билан бажарилганда қуйидаги натижалар қайд этилди: минус реакциялар сони – 16та, бундай реакциялар диапозони $3,11 \pm 0,07$ кг; плюс реакциялар – 29та, реакциялар диапозони $4,21 \pm 0,15$ кг; аниқ реакциялар 3 марта. Демак, ўнг ва чап қўл билан динамометрда белгиланган кучланиш чегарасини фарқлаш аниқлиги ўртасидаги асимметрик фарқ борлиги 6 мартани ташкил этган.

Реакциялар сони, динамометрда белгиланган кучланиш чегарасини фарқлаш ҳаракатларида қайд этилган минус ва плюс реакциялар диапозони волейболчи ҳамда футболчи талабаларда ҳам кузатилди. Ўнг ва чап қўл билан белгиланган кучланиш чегарасини фарқлаш аниқлиги мувофиқ равишда 9 ва 5 мартани ташкил этди. Бундай кўрсаткичлар ўнг ва чап қўлда ҳаракатланаётган объектни белгиланган вақт оралиғида тўхтатиш реакциялари, компьютерда ишлаш тезлиги, бош ва танани ўнг ҳамда чап томон бўйлаб айлантириш давомида мувозанат сақлаш натижаларида ҳам кўзга ташланди (2 жадвал ва 1-расмга қаранг).


2-жадвал

7-10 ёшли ўқувчиларда 2x14 м. га баскетбол тўпини уриб югуриш тезлиги ($\bar{X} \pm \sigma$)

Тестлар	7 ёш n=35	8 ёш n=32	9 ёш n=34	10 ёш n=30
2x14 м. га тўпни ўнг қўл билан уриб югуриш (сек)	13,3±1,02	12,7±0,93	11,5±1,09	10,3±1,15
2x14 м. га тўпни чап қўл билан уриб югуриш (сек)	14,6±0,95	13,9±1,16	14,2±1,33	13,7±1,21
2x14 м. га тўпни ўнг қўл билан уриб фишкараро югуриш (сек)	17,5±2,07	16,5±1,72	16,1±1,09	15,9±0,96
2x14 м. га тўпни чап қўл билан уриб фишкараро югуриш (сек)	19,9±2,01	18,7±1,77	19,5±1,88	20,2±2,07

Жумладан, бундай фарқ ўнг ва чап қўл билан кафт кучи, ўнг ва чап қўлда 2x14 мга тўпни уриб югуриш тезлиги, тўпни кичик дарвозага тегиш аниқлиги, бош ҳамда танани ўнг ва чап томонларга айлантириш давомида мувозанат сақлаш бўйича ҳам кузатилди. Ўнақай ва чапақай ҳаракат функциялари ўртасида қайд этилган функционал асимметрия спорт ўйинларига хос айрим техник-тактик усулларни ижро этиш тезлиги ва аниқлигида ҳам кузатилди. Чунончи, бундай асимметрик фарқ баскетболчиларда 2x14 мга тўпни ўнг ва чап қўлда тўғри йўналишда ҳамда фишкараро уриб югуриш тезлиги ва тўпни саватга ташлаш аниқлиги

бўйича ҳам мавжуд эканлиги маълум бўлди. Ҳаракат асимметрияси футболчиларда тўпни максимал узоқликка тепиш ва $1 \times 1 \text{ м}^2$ ли дарвозага тепиш тестларида ҳам ўз ифодасини топди. Эътиборга лойиқ жойи шундаки, спортчи талабаларнинг ўнақай ва чапақай ҳаракат функциялари ўртасида кузатилган асимметрик фарқ 7-10 ёшли мактаб ўқувчиларида ҳам қайд этилди.



Изоҳ:

- 1 – 2×14 мга тўпни ўнг ва чап қўлда уриб югуриш тезлиги (сек);
- 2 – 2×14 мга тўпни ўнг ва чап қўлда фишкалараро уриб югуриш тезлиги (сек);
- 3 – жарима чизигидан тўпни ўнг ва чап қўлда саватга ташлаш аниқлиги (10 имконият/ марта).

1-расм. Баскетболчи талабаларда тўпни ўнг ва чап қўлда уриб югуриш тезлиги ва тўпни саватга ташлаш аниқлиги ўртасидаги асимметрик фарқни ифодаловчи диаграммалар (сек)

Спортчи талабалар ва 7-10 ёшли мактаб ўқувчиларида ўнақай-чапақай ҳаракат функциялари ўртасида аниқланган асимметрик фарқ бир томондан ҳаракатлар захираси ва таркиби чегараланганидан дарак берса, иккинчи томондан бундай ҳолат машғулотларда қўлланиладиган жисмоний юклама асосан етакчи қўл-оёқ мушакларига тўғридан-тўғри таъсир этиб, зўриқиш аломатларини кучайишига сабаб бўлади. Бинобарин, жорий тадқиқотларнинг бундай натижалари ўнақай-чапақай ҳаракат функцияларини симметрик тартибда шакллантиришга мўлжалланган ихтисослаштирилган машқлар ва ҳаракатли ўйинлар мажмуаларини ишлаб чиқиш ва уларни эрта ёшлиқдан бошлаб спорт ўйинлари билан шуғулланишга қарор қилган болалар машғулотларида мунтазам қўллашга ундайди.

Диссертациянинг «7 ёшли ўқувчиларда «ўнақай-чапақай» ҳаракатлар асимметриясини симметризациялаш устуворлиги» деб номланган тўртинчи бобида шу ёшли мактаб ўқувчиларидан иборат назорат (НГ) ва тажриба (ТГ) гуруҳлари билан олиб борилган 9 ойлик педагогик тажриба натижалари қиёсий таҳлил қилинган.

Тажриба давомида НГга жалб қилинган болаларда анъанавий мазмунли машғулотлар ўтказилди. ТГ машғулотларида эса ўнақай-чапақай ҳаракат функцияларини симметрик тартибда шакллантиришга мўлжаллаб ишлаб

чиқилган инновацион моҳиятга эга ихтисослаш-тирилган машқлар ва ҳаракатли ўйинлар қўлланди.

Тажрибага 7 ёшли ўқувчилар жалб қилинганлигининг сабаби генетик жиҳатдан «ўнақайлик» ёки «чапақайлик»ка ихтисослашган болаларда у ёки бу томонга латераллашган функционал асимметрия 5 ёшгача яққол кўзга ташланмаслиги билан асосланади. Фақат ўнг ёки чап томонга латераллашган функционал асимметрия 6 ёшдан, айниқса 7 ёшдан бошлаб кузатилди. Тажриба натижалари шуни кўрсатдики, тажриба давомида анъанавий машғулотларда шуғулланиб борган НГда ўнг қўл билан динамометрда белгиланган кучланиш чегарасини (5 кг) фарқлаш (сиқиб тўхтатиш) тести бўйича қайд этилган минус реакциялар (белгиланган кучланиш чегарасидан аввал кўрсатилган реакциялар) тажрибадан олдин $2,4 \pm 0,07$ кг, 4,5 ойдан сўнг $2,9 \pm 0,08$ кг, тажриба якунида (9 ойдан кейин) $2,8 \pm 0,06$ кг ни ташкил этди. Плюс реакциялар эса мувофиқ тартибда: $2,6 \pm 0,05$; $2,3 \pm 0,06$; $2,9 \pm 0,07$ кг билан ифодаланди. Аниқ реакциялар (5кг) мувофиқ тартибда: 1,9; 1,7; 2,3 мартани ташкил этди (3-жадвалга қаранг).

3-жадвал


7 ёшли ўқувчиларда ўнг ва чап қўл билан динамометрда белгиланган кучни (5 кг) фарқлаб, сиқиб тўхтатиш аниқлигини тажриба давомида ўзгариш динамикаси ($\bar{X} \pm \sigma$)

Функционал тестлар	Гуруҳ	Тажриба бошида	4,5 ойдан кейин	9 ойлик тажрибадан кейин
Ўнг қўл билан динамометр стрелкасини 5 кг ли белгида тўхтатиш Минус (кг)	НГ	$2,4 \pm 0,07$	$2,9 \pm 0,08$	$2,8 \pm 0,06$
	ТГ	$2,1 \pm 0,06$	$1,8 \pm 0,03$	$1,3 \pm 0,04$
- Плюс (кг)	НГ	$2,6 \pm 0,05$	$2,3 \pm 0,06$	$2,9 \pm 0,07$
	ТГ	$3,2 \pm 0,06$	$1,9 \pm 0,04$	$1,7 \pm 0,03$
- Аниқ (5 кг)	НГ	1,9	1,7	2,3
	ТГ	1,7	3,4	5,5
Чап қўл билан динамометр стрелкасини 5 кг ли белгида тўхтатиш Минус (кг)	НГ	$2,7 \pm 0,09$	$3,2 \pm 0,10$	$3,4 \pm 0,11$
	ТГ	$3,4 \pm 0,11$	$2,5 \pm 0,08$	$2,1 \pm 0,06$
- Плюс (кг)	НГ	$2,0 \pm 0,06$	$2,4 \pm 0,07$	$2,7 \pm 0,08$
	ТГ	$2,3 \pm 0,06$	$2,1 \pm 0,03$	$1,9 \pm 0,04$
- Аниқ (5 кг)	НГ	0,8	0,9	1,1
	ТГ	0,5	2,9	5,1
Асимметрик фарқ	НГ	1,1	0,8	1,2
	ТГ	1,2	0,5	0,4

Изоҳ: НГ-назорат гуруҳи, ТГ-тажриба гуруҳи

Шу билан бир қаторда 9 ойлик тажриба давомида ўз машғулотларида ўнақай-чапақай ҳаракат функцияларини симметрик тартибда шакллантиришга мўлжаллаб ишлаб чиқилган ихтисослаштирилган машқлар ва ҳаракатли ўйинларни бажариб борган ТГда қайд этилган кўрсаткичлар

босқичма-босқич ижобий томонга ўзгариб борди. Жумладан, ушбу гуруҳда ўнг қўл билан ижро этилган минус реакциялар тажриба бўйлаб $2,1 \pm 0,06$, $1,8 \pm 0,03$, $1,3 \pm 0,04$ кг гача аниқ реакцияларга (белгиланган кучланиш чегарасига) яқинлашиб борди. Ижобий реакциялар ҳам айнан ана шундай прогрессив динамика билан ифодаланди. Аниқ реакциялар мазкур гуруҳда НГга нисбатан деярли 2 баробарга ортиб борди (1,7; 3,4; 5,5 марта). Ана шундай прогрессив йўналиш билан ифодаланган минус, плюс ва аниқ реакциялар тестни чап қўлда ижро этиш натижаларида ҳам кузатилди. Ўнг ва чап қўл билан ижро этилган минус реакциялар тажриба бўйлаб $2,1 \pm 0,06$, $1,8 \pm 0,03$, $1,3 \pm 0,04$ кг гача аниқ реакцияларга (белгиланган кучланиш чегарасига) яқинлашиб борди. Ижобий реакциялар ҳам айнан ана шундай прогрессив динамика билан ифодаланди. Аниқ реакциялар мазкур гуруҳда НГга нисбатан деярли 2 баробарга ортиб борди (1,7; 3,4; 5,5 марта). Ана шундай прогрессив йўналиш билан ифодаланган минус, плюс ва аниқ реакциялар тестни чап қўлда ижро этиш натижаларида ҳам кузатилди. Ўнг ва чап қўл билан динамометрда белгиланган кучланиш чегарасини фарқлаш аниқлиги ўртасидаги асимметрик фарқ НГда ортиб борди, ТГда эса борган сари камайиб ёки бошқача айтганда симметризациялашиб борди (2, 3 расмларга қаранг).



Изох:

1 – тажрибадан аввал (марта);


2 – 4,5 ойдан кейин (марта);

3 – 9 ойлик тажрибадан кейин (марта).

2-расм. 7 ёшли ўқувчиларда ўнг ва чап қўл билан белгиланган вақт-оралиқни кўз назоратида фарқлаш аниқлиги ўртасидаги асимметрик фарқнинг тажриба давомида ўзгариш динамикасини ифодаловчи диаграммалар

Таъкидлаш жойизки, 9 ойлик педагогик тажриба натижаларига асосан НГда ўнақай-чапақай ҳаракат функцияларини ижро этиш давомида кузатилган функционал асимметрия ўнг ва чап қўл билан кўз назоратида ҳамда кўз назоратисиз белгиланган вақт-оралиқни фарқлаш (электросекундомер стрелкасини тўхтатиш реакцияси) аниқлиги бўйича ҳам қайд этилди. Жумладан, НГда кўз назоратида ўнг чап қўлда белгиланган

вақт-оралиқни фарқлаш ўртасидаги асимметрик фарқ аниқлиги ўртасидаги асимметрик фарқ дастлаб (тажрибадан аввал) 0,9 мартани ташкил этган бўлса, 4,5 ойдан сўнг 1,1 марта, 9 ойдан кейин (тажриба якунида) 1,2 марта билан ифодаланди. ТГда эса ушбу кўрсаткичлар мувофиқ равишда: 1,0; 0,7; 0,5 мартани ташкил этди. Кўз назоратисиз белгиланган вақт-оралиқни фарқлаш аниқлиги НГда мувофиқ тартибда: 0,4; 0,6; 1,1 марта билан қайд этилган бўлса, ТГда мазкур кўрсаткичлар: 0,6; 0,5; 0,3 мартани ташкил этди.



Изоҳ:

- 1 – тажрибадан аввал (марта);
- 2 – 4,5 ойдан кейин (марта);
- 3 – 9 ойлик тажрибадан кейин (марта).

3-расм. 7 ёшли ўқувчиларда ўнг ва чап қўл билан белгиланган оралиқ-вақтни кўз назоратисиз фарқлаш аниқлиги ўртасидаги асимметрик фарқнинг тажриба давомида ўзгариш динамикасини ифодаловчи диаграммалар

Кўриниб турибдики, белгиланган вақт-оралиқни ўнг ва чап қўл билан фарқлаш аниқлиги ўртасидаги функционал асимметрия икки ҳолатда ҳам НГда ортиб борган бўлса, ТГда босқичма-босқич камайиб борди.

Спорт ўйинларида, айниқса волейбол ва баскетболда оёқ-қўлларнинг кучи узоқ муддат давомида ҳужум зарбалари, тўп узатиш, тўсиқ қўйиш, тўпни саватга ташлаш учун сакровчанлик ҳамда сакраш чидамкорлигини таъминлашда муҳим роль ўйнайди. Футболда эса оёқ мушакларининг абсолют кучи кўп марталаб сакраб тўпни бош билан узатиш, уни дарвозага йўллаш, узоқ оралиқларга тўпни аниқ тепиш усулларини ижро этишда базавий аҳамият касб этади. Шубҳа йўқки, бундай усулларни жойдан ёки сакраб бажаришда ўнг ва чап қўл, ўнг ва чап оёқ мушаклари кучининг ҳиссаси, афсуски, кескин фарқланади. Тадқиқот натижалари шуни кўрсатдики, 7 ёшли ўқувчилардан иборат НГ ва ТГда ўнг ва чап қўл мушакларининг портловчи-инерцион кучи тажриба давомида турлича ўзгариш динамикаси билан қайд этилди (4-жадвалга қаранг).

Масалан, ўтирган ҳолатда ўнг қўл билан гандбол тўпини бош ортидан максимал узоқликка ташлаш тажрибадан аввал $4,73 \pm 1,06$ м ни ташкил этган бўлса, ушбу машқни чап қўл билан ижро этишда тўпни ташлаш оралиғи $3,63 \pm 0,5$ м га тенг бўлди.

4-жадвал

7 ёшли ўқувчиларда ўнг ва чап қўл мушакларининг портловчи кучини тажриба давомида ўзгариш динамикаси ($\bar{X} \pm \sigma$)

Тест машқлари	Гуруҳ	Тажриба бошида	4,5 ойдан кейин	9 ойлик тажрибадан кейин	t	p
Ўтирган ҳолатда ўнг қўл билан гандбол тўпини бош ортидан максимал узоқликка ташлаш (м)	НГ	$4,73 \pm 1,06$	$4,2 \pm 0,9$	$5,83 \pm 1,21$	3,35	< 0,01
	ТГ	$5,14 \pm 1,26$	$5,5 \pm 1,4$	$6,64 \pm 1,39$	3,92	< 0,001
Ўтирган ҳолатда чап қўл билан гандбол тўпини бош ортидан максимал узоқликка ташлаш (м)	НГ	$3,63 \pm 0,5$	$2,5 \pm 0,4$	$3,93 \pm 0,56$	1,96	< 0,05
	ТГ	$3,74 \pm 1,33$	$4,8 \pm 1,1$	$6,04 \pm 2,17$	4,43	< 0,001

Изоҳ: НГ-назорат гуруҳи, ТГ-тажриба гуруҳи

Асимметрик фарқ 1,1 м билан ифодаланди. ТГда эса ушбу кўрсаткичлар мувофиқ равишда $5,14 \pm 1,26$ м, $3,74 \pm 1,33$ м ва 1,4 м ни ташкил этди.

Демак, 9 ойлик тажриба давомида анъанавий мазмунли машғулотларда шуғулланиб борган НГда 4,5 ой ўтгач ҳам, 9 ой ўтгандан кейин ҳам ўнг ва чап қўл мушакларининг портловчи-инерцион кучи жадал ўсмади. ТГ да эса ўнг ва чап қўлнинг портловчи кучи ўсиб борди, асимметрик фарқ эса борган сари камайиб борди ёки ўнг ва чап қўл кучи ўртасидаги асимметрия симметризациялашди. Жумладан тўпни максимал узоқликка ташлаш оралиғи НГда 4,5 ойдан сўнг ўнг қўлда $4,2 \pm 0,9$ м, чап қўлда $2,5 \pm 0,4$ м ни ташкил этган бўлса, 9 ойдан кейин ушбу кўрсаткичлар мувофиқ равишда $5,83 \pm 1,21$ м ва 2,9 м билан ифодаланди ($p < 0,01$). Лекин тажриба давомида тавсия этилган ихтисослаштирилган машқлар ва ҳаракатли ўйинларни мунтазам бажариб борган ТГда 4,5 ойдан сўнг тўпни ўнг қўлда ташлаш оралиғи $5,5 \pm 1,4$ м, 9 ойдан кейин эса $6,64 \pm 1,39$ м гача ортди ($p < 0,001$). Чап қўлда эса мазкур кўрсаткичлар мувофиқ равишда $4,8 \pm 1,1$ м ва $6,04 \pm 2,17$ м ни ташкил этди ($p < 0,001$). Бошқача қилиб айтганда ушбу гуруҳда ўнг ва чап қўлнинг портловчи кучи борган сари ортиб борди (1,1; 1,7; 1,9), ТГда эса босқичма-босқич камайиб борди (1,4; 0,7; 0,6).

Икки гуруҳда қайд этилган бундай динамик йўналишли асимметрик фарқ оёқ мушакларининг абсолют кучи (ўнг ва чап оёқда максимал марта ўтириб-туриш), 2x14 м га тўпни ўнг ва чап қўл билан уриб югуриш тезлиги (тўғри йўналишда ва фишкалараро), волейбол тўпини ўнг ва чап қўл билан

саватга ташлаш, футбол тўпини ўнг ва чап оёқ билан кичик дарвозага ташлаш аниқлиги бўйича ҳам кузатилди.

Замонавий спорт ўйинларида жойда туриб, ҳаракат давомида ва таянчсиз ҳолатда (сакраш ҳолатида) ўнг ёки чап томонларга бурилиб (90° , 180°), айланиб (360°) тўпни узатиш, зарб билан у ёки бу зонага йўллаш, саватга ташлаш, дарвозага йўллаш ҳаракатлари кўп марталаб ижро этишга тўғри келади. Узоқ муддатли машғулот ва мусобақа жараёнларида вестибуляр анализатори томонидан бошқариладиган бундай бурилиш ёки айланиш ҳаракатларини кўпмарталаб такрорлаш мувозанат сақлаш турғунлигига салбий таъсир кўрсатади. Бундай ҳолат ўз навбатида ҳаракат координацияси ва унинг аниқлигини издан чиқаради. Маълумки, ўнақай одамлар учун онтогенетик жиҳатдан чап томонга бурилиш ёки айланиш осон кечади, чапақайлар учун эса аксинча. Тажриба натижаларидан маълум бўлдики, ўнг ва чап томонларга айланиш ҳаракатлари ўртасида юз берувчи функционал асимметрия тадқиқотимизда иштирок этган 7 ёшли мактаб ўқувчиларида ҳам қайд этилди (5-жадвалга қаранг).

5-жадвал

7 ёшли ўқувчиларда бош ва танани икки томонга навбатма-навбат айлантириш таъсирида мувозанат сақлаш турғунлигини тажриба давомида ўзгариш динамикаси ($\bar{X} \pm \sigma$)

Функционал тестлар	Гуруҳ	Тажриба бошида	4,5 ойдан кейин	9 ойлик тажрибадан кейин
Тик туриб, кўз юмилган ҳолатда бошни чап томонга айлантириш таъсирида мувозанат сақлаш (сек)	НГ	7,5±1,03	8,4±1,05	7,9±1,04
	ТГ	6,9±0,93	17,6±3,18	25,7±3,49
Тик туриб, кўз юмилган ҳолатда бошни ўнг томонга айлантириш таъсирида мувозанат сақлаш (сек)	НГ	4,2±0,78	5,3±0,84	4,9±0,81
	ТГ	3,7±0,8	15,2±2,63	24,5±2,75
Асимметрик фарқ	НГ	3,3 сек	3,1 сек	3,0 сек
	ТГ	3,2 сек	2,4 сек	1,2 сек
